



**TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI URGANCH FILIALI
JANUBIY OROLBO'YI TIBBIYOT JURNALI**

1-TOM, 4-SON. 2025

14.00.00 - TIBBIYOT FANLARI ISSN: 3093-8740

УДК:616-056.43.053.2:616.33/34-008/6(575.172)

**ОРОЛ БУЙ ХУДУДИДА ЯШОВЧИ МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАРДА ОЗИҚ
ОВҚАТ АЛЛЕРГИЯСИ ФОНИДА УЧРАЙДИГАН ОШҚОЗОН ИЧАК ТИЗИМИ
КАСАЛЛИКЛАРИ, ДИАГНОСТИКА ВА ТЕРАПИЯНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**



Очилдиев Миржалол Жамол ўғли

Магистр, Урганч давлат тиббиёт институти

Педиатрия ва неонатология кафедраси магистр

E-mail: mirjalolochilov98@gmail.com

ORCID: <https://orcid.org/0009-0004-0781-8347>

[Tel:+998999669829](tel:+998999669829)



Худайбергенов Мунис Рузибоевич

Кафедра мудири т.ф.н., доцент, Урганч давлат тиббиёт институти

Педиатрия ва неонатология кафедраси мудири т.ф.н., доцент

E-mail: ruzibayevmunis58@gmail.com

ORCID: <https://orcid.org/0009-0001-8224-9904>

[Tel:+998973600206](tel:+998973600206)

**«СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ДИАГНОСТИКИ И ТЕРАПИИ ЗАБОЛЕВАНИЙ
ЖЕЛУДОЧНО-КИШЕЧНОГО ТРАКТА, ВСТРЕЧАЮЩИХСЯ У ДЕТЕЙ
ДОШКОЛЬНОГО ВОЗРАСТА НА ФОНЕ ПИЩЕВОЙ АЛЛЕРГИИ, ПРОЖИВАЮЩИХ
ПРИАРАЛЬЯ»**

Очилдиев Миржалол Жамол ўғли

Магистр, Ургенчский государственный медицинский институт,

Кафедра педиатрии и неонатологии

E-mail: mirjalolochilov98@gmail.com

ORCID: <https://orcid.org/0009-0001-8224-9904>

[Tel:+998973600206](tel:+998973600206)

Худайбергенов Мунис Рузибоевич

к.м.н., доцент, Ургенчский государственный медицинский институт, заведующий кафедрой
педиатрии и неонатологии

E-mail: ruzibayevmunis58@gmail.com

ORCID: <https://orcid.org/0009-0001-8224-9904>

[Tel:+998973600206](tel:+998973600206)



**TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI URGANCH FILIALI
JANUBIY OROLBO'YI TIBBIYOT JURNALI**

1-TOM, 4-SON. 2025

14.00.00 - TIBBIYOT FANLARI ISSN: 3093-8740

**IMPROVING THE DIAGNOSIS AND THERAPY OF DISEASES OF THE DIGESTIVE
TRACT, WHICH ARE FOUND AGAINST THE BACKGROUND OF FOOD ALLERGIES
IN PRESCHOOL CHILDREN LIVING IN THE OF ARAL**

Ochildiev Mirjalol Son of Jamal

Magister, Urgench State Medical Institute,

Department of Pediatrics and Neonatology

E-mail: mirjalolochildiye98@gmail.com

ORCID: <https://orcid.org/0009-0004-0781-8347>

Tel: +998 999669829

Khudayberganov Munis Ruziboevich

The head of the department c.m.s., docent

Urgench State Medical Institute

Department of Pediatrics and Neonatology

E-mail: ruzibayevmunis58@gmail.com

ORCID: <https://orcid.org/0009-0001-8224-9904>

Tel: +998973600206

АННОТАЦИЯ.

Кириш. Сўнгги йилларда эрта ёшдаги болалар орасида сурункали соматик касалликларнинг кескин ўсиб бораётганлиги кузатишмоқда, улар орасида биринчи ўринни овқат ҳазм қилиш тизими патологиялари эгаллайди.

Болаларда ошқозон-ичак трактининг сурункали ноинфекцион касалликларининг тарқалиши доимий равишда ошиб бормоқда ва турли муаллифлар маълумотларига кўра 30–63,1% ни ташкил қилади.

Шу билан бирга, касалланиш авжи 6–7, 9–10 ва 12 ёшга тўғри келади, энг юқори кўрсаткич эса 6 ёшда кузатилади.

Ушбу ҳолатнинг ривожланишига ташқи ноқулай муҳит, онада ҳомиладорлик даврида учраган фон касалликлар, чақалоқларга қўшимча овқатлантириш тартибидаги бузилишлар нафақат гастроэнтерологик касалликлар сонининг кўпайиши, балки болалар орасида мазкур касаллик оқибатида ривожланган турли хил асоратлар туфайли ногиронлик ҳамда ўлим ҳолатларнинг кўп учраётганлиги кузатишмоқда.

Мақсад: Мактабгача ёшдаги болаларда озиқ-овқат аллергияси фонида ривожланадиган овқат ҳазм қилиш аъзолари касалликларини диагностика қилиш ва даволашни такомиллаштириш.

Натижалар: Оролбўйи минтақасида (Хоразм вилояти ҳудудида) доимий яшовчи ва мактабгача ёшдаги болаларда озиқ-овқат аллергияси фонида овқат ҳазм қилиш аъзолари касалликларини эпидемиологик тадқиқот маълумотларига кўра, юқори тарқалиш даражаси аниқланган — **88,6±15,0%**.

Шуни ҳисобга олганда, ушбу болалар гуруҳида умумий гастроэнтерологик касалланиш кўрсаткичи янада юқори — **63,1%**, ва фақат **40,7% ҳолатларда** озиқ-овқат аллергияси (унинг манифест шакллари) ошқозон-ичак касалликларининг генезида иштирок этиши тасдиқланган, дейиш мумкин.

Хулоса: Касалланишнинг авжи, 2–3 ёшдаги болаларда, асосан функционал ва дисбиотик бузилишлар билан боғлиқ бўлган, 5–6 ёшдаги болалардаги иккинчи авж эса кўпроқ гастродуоденал тизимдаги сурункали яллиғланиш жараёнлари билан изоҳланади.

Калит сўзлар: Аллергия, ошқозон ичак тизими, орол буй, бола



TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI URGANCH FILIALI JANUBIY OROLBO'YI TIBBIYOT JURNALI

1-TOM, 4-SON. 2025

14.00.00 - TIBBIYOT FANLARI ISSN: 3093-8740

Введение. В последние годы наблюдается резкое увеличение числа хронических соматических заболеваний среди детей раннего возраста, при этом на первом месте находятся патологии пищеварительной системы.

Распространённость хронических неинфекционных заболеваний желудочно-кишечного тракта у детей постоянно растёт и, по данным различных авторов, составляет 30–63,1%. При этом пик заболеваемости приходится на возраст 6–7, 9–10 и 12 лет, а самые высокие показатели отмечаются в 6-летнем возрасте.

Развитию данной ситуации способствуют неблагоприятная внешняя среда, фоновые заболевания у матери во время беременности, нарушения режима прикорма у младенцев. Это приводит не только к увеличению числа гастроэнтерологических заболеваний, но и к росту инвалидности и смертности среди детей вследствие различных осложнений данных патологий.

Цель. Совершенствование диагностики и лечения заболеваний органов пищеварения, развивающихся на фоне пищевой аллергии у детей дошкольного возраста.

Результаты. Согласно данным эпидемиологического исследования заболеваний органов пищеварения, развивающихся на фоне пищевой аллергии у постоянно проживающих в При аральском регионе (территория Хорезмской области) детей дошкольного возраста, выявлен высокий уровень распространённости — $88,6 \pm 15,0\%$.

Учитывая это, можно отметить, что общий показатель гастроэнтерологической заболеваемости в данной группе детей также высок — 63,1%, и лишь в 40,7% случаев участие пищевой аллергии (её манифестных форм) в генезе заболеваний желудочно-кишечного тракта было подтверждено.

Вывод. Пик заболеваемости у детей 2–3 лет в основном связан с функциональными и дисбиотическими нарушениями, тогда как второй пик у детей 5–6 лет объясняется преимущественно хроническими воспалительными процессами в гастродуоденальной системе.

Ключевые слова: Аллергия, желудочно-кишечного тракта, Приаралья, детей

Introduction. In recent years, a sharp increase in chronic somatic diseases has been observed among young children, with digestive system pathologies taking the leading position. The prevalence of chronic non-infectious gastrointestinal diseases in children continues to grow and, according to various authors, ranges from 30% to 63.1%. The peak incidence occurs at the ages of 6–7, 9–10, and 12 years, with the highest rates observed at age 6.

The development of this situation is influenced by an unfavorable external environment, maternal background diseases during pregnancy, and violations in infant complementary feeding practices. As a result, not only is there an increase in the number of gastroenterological diseases, but also a rise in disability and mortality among children due to various complications of these conditions.

Objective. To improve the diagnosis and treatment of digestive system disorders that develop against the background of food allergies in preschool-aged children.

Results. According to epidemiological data on digestive system diseases developing against the background of food allergies in preschool-aged children permanently residing in the Aral Sea region (Khorezm region), a high prevalence rate was identified — $88.6 \pm 15.0\%$.

Taking this into account, it can be noted that the overall gastroenterological morbidity rate in this group of children is also high — 63.1%, and only in 40.7% of cases has the involvement of food allergies (its manifest forms) in the genesis of gastrointestinal diseases been confirmed.

Conclusion. The peak incidence in children aged 2–3 is mainly associated with functional and dysbiotic disorders, while the second peak in children aged 5–6 is largely explained by chronic inflammatory processes in the gastroduodenal system.

Key words: Allergy, gastrointestinal system, Aral Sea region, children



TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI URGANCH FILIALI JANUBIY OROLBO'YI TIBBIYOT JURNALI

1-TOM, 4-SON. 2025

14.00.00 - TIBBIYOT FANLARI ISSN: 3093-8740

Кириш. Сўнгги йилларда эрта ёшдаги болалар орасида сурункали соматик касалликларнинг кескин ўсиб бораётганлиги кузатилмоқда, улар орасида биринчи ўринни овқат ҳазм қилиш тизими патологиялари эгаллайди.

Болаларда ошқозон-ичак трактининг сурункали ноинфекцион касалликларининг тарқалиши доимий равишда ошиб бормоқда ва турли муаллифлар маълумотларига кўра 30–63,1% ни ташкил қилади. Шу билан бирга, касалланиш авжи 6–7, 9–10 ва 12 ёшга тўғри келади, энг юқори кўрсаткич эса 6 ёшда кузатилади[1,6].

Ушбу ҳолатнинг ривожланишига ташқи ноқулай муҳит, онада ҳомиладорлик даврида учраган фон касалликлар, чақалоқларга қўшимча овқатлантириш тартибидаги бузилишлар нафақат гастроэнтерологик касалликлар сонининг кўпайиши, балки болалар орасида мазкур касаллик оқибатида ривожланган турли хил асоратлар туфайли ногиронлик ҳамда ўлим ҳолатларнинг кўп учраётганлиги кузатилмоқда. Ҳозирги кунда 1 ёшгача бўлган беморларда гастродуоденал тизим шиллиқ қаватидаги кенг тарқалган ва аниқ морфологик ўзгаришларни аниқлаш, патологик жараён юзага келишининг морфогенези ва табиати ҳақидаги тадқиқотларнинг етарли эмаслиги, касаллик билан боғлиқ типик клиник кўринишнинг йўқлиги, кўпгина касалликларнинг эътиборла четда қолаётганлиги, асимптоматик даволаш усулларнинг кўп қўлланилаётганлиги, ошқозон-ичак трактида бузилишларга олиб келган асосий касалликнинг кучайиши билан намоён бўлмоқда[2,5,7].

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, ҳозирги вақтда энг муҳим муаммолардан бири, айниқса педиатрияда аллергия касалликлардир, болаларда бу патология иккинчи ўринда туради. Шу билан бирга, жиддий аллергия реакциялар частотасининг ортиши ва клиник кўринишларнинг эрта бошланиши қайд этилган.

Болалар орасида аллергия касалликлар кенг тарқалган ҳисобланиб, соғлиқ учун жиддий муаммодир. Болаларда аллергия касалликларни ташхислашнинг янги усуллари ишлаб чиқиш бўйича олинган натижалар аллергия касалликлар, жумладан, болаларда озик-овқат аллергиялари ривожланишининг хавф омилларини аниқлаш давр талаби ҳисобланади.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, юқори технологик клиник-иммунологик усуллардан фойдаланган ҳолда аллергия касалликларни даволашни яхшилаш, аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдам самарадорлиги ва сифатини оширишга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Дунёда аллергия касалликлар шаклланиши ва тарқалишига ташқи муҳит омилларининг таъсири, янгидан янги аллергенларнинг пайдо бўлиши, микроэкологиянинг (ичаклар, тери, шиллиқ қаватлар микрофлорасининг) бузилиши, стресс сабаб бўлмоқда [5,8,10].

Сўнгги эпидемиологик тадқиқотлар шуни кўрсатдики, sanoat ривожланган мамлакатлар аҳолисининг 25-30% аллергия хусусиятга эга. Аниқланишича, аҳолининг 10-15% аллергия ринит, 10%гача аллергия эшакеми, аллергия астма 5-10% ҳолларда кузатилади. Озик овқат аллергиялари аҳолининг тахминан 25-30 % да учрайди.(Наврўзова Ш.И ва ҳаммуал.,2019). Аллергия касалликларнинг кўпчилиги ёшига боғлиқ. Озик овқат аллергиялари ва атопик дерматит чақалоқлик ва болалик даврида, аллергия ринит ва аллергия астма эса ўсмирлик даврида тез тез учрайди.

Сўнгги **15–20 йил** ичида юртимизда ҳаётнинг ижтимоий-иқтисодий шароитларининг сезиларли даражада ўзгариши, аҳоли, жумладан болалар саломатлигининг ёмонлашуви, болаларда гастроэнтерологик касалликлар ва озик-овқат аллергиясининг тарқалиши ҳамда тузилишини эпидемиологик ўрганиш зарурлигидан далолат беради.

Шунингдек, метабolik ва иммунологик гомеостазда юз берувчи ўзгаришларнинг хусусиятларини ўрганиш, уларнинг мазкур патологиянинг шаклланиши ва ривожланишидаги ролини, шу жумладан аллергия омилнинг аҳамиятини аниқлаш имконини беради, бу эса диагностика ва даволаш усуллари такомиллаштиришга хизмат қилади. Ушбу масалаларни



TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI URGANCH FILIALI JANUBIY OROLBO'YI TIBBIYOT JURNALI

1-TOM, 4-SON. 2025

14.00.00 - TIBBIYOT FANLARI ISSN: 3093-8740

хал этиш, шубҳасиз, педиатрия ва умуман тиббиёт учун долзарб ва ижтимоий аҳамиятга эга ҳисобланади.

Юқорида баён қилинганларни инобатга олган ҳолда, ошқозон-ичак аъзолари патологияси мавжуд бўлган болаларда озиқ-овқат аллергиясининг, айниқса унинг гастроинтестинал шакли кечишини диагностика қилиш ва прогнозлашни такомиллаштириш муайян метаболик маркерларни аниқлаш ва уларни комплекс баҳолаш асосида амалга оширилиши мумкинлигини тахмин қилиш мумкин.

Болаларда дислипидемияни эрта аниқлаш йўлларида бири сифатида генезида аллергия омил тез-тез учрайдиган гастроэнтерологик касалликларни ажратиб олиш зарур деб эътироф этиш керак. Болалар ёшида гастроэнтерологик патологияни даволашни ташкил этишда диетани тўғрилаш, махсус хоссаларга эга шифобахш озиқ-овқат маҳсулотларидан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Бу ҳам овқат аллергияси, ҳам дислипидемияларга тааллуқлидир [1,2,4].

Тадқиқотнинг мақсади: Мактабгача ёшдаги болаларда озиқ-овқат аллергияси фонида ривожланадиган овқат ҳазм қилиш аъзолари касалликларини диагностика қилиш ва даволашни такомиллаштириш.

Материал ва услублар: Биз гастроэнтерология бўлимида 110 та (3-ёшдан 7 ёшгача) бўлган озиқ-овқат аллергияси бор болаларда клиник ва лаборатор текширув ўтказилди. Тадқиқот объекти – ВБКТТМ шифохонасида касаллик тарихи ва тиббий карта 112/ф маълумотлари асосида ўрганилди, ҳар бир болага анкета таҳлилий тиббий карта тўлдирилди.

Натижалар: Табиат ва жамият ягона динамик тизимни ифодалайди ва биосферадаги ўзгаришлар инсон биологик табиатига таъсир кўрсатмасдан қолмайди. Экологик вазиятнинг ёмонлашуви экологик ноқулай ҳудудда яшовчи аҳоли саломатлигига ўз таъсирини ўтказди. Инсониятнинг ҳозирги ва келажак авлоди янаш шароитининг кейинчалик яхшиланиши етарли даражада экологик омилларга боғлиқ. Охириги 15-20 йилда Ўзбекистон Республикаси атроф муҳит ва табиий захираларнинг ҳолати кескин ёмонлашуви муаммоси билан дуч келди. Оролбўйи минтақасида (Хоразм вилояти ҳудудида) доимий яшовчи ва мактабгача ёшдаги болаларда озиқ-овқат аллергияси фонида овқат ҳазм қилиш аъзолари касалликларини эпидемиологик тадқиқот маълумотларига кўра, юқори тарқалиш даражаси аниқланган — **88,6±15,0%.**

Шуни ҳисобга олганда, ушбу болалар гуруҳида умумий гастроэнтерологик касалланиш кўрсаткичи янада юқори — **63,1%**, ва фақат **40,7% ҳолатларда** озиқ-овқат аллергияси (унинг манифест шакллари) ошқозон-ичак касалликларининг генезида иштирок этиши тасдиқланган, дейиш мумкин.

Бу ҳолатдан шундай хулоса чиқариш мумкин: бир томондан, эпидемиологик тадқиқотларда барча озиқ-овқат аллергияси ҳолатлари аниқланмайди; иккинчи томондан, озиқ-овқат аллергияси кўпинча гастроэнтерологик патология шаклланидиган фон вазифасини бажаради. Олдинги маълумотларимиз овқат ҳазм қилиш аъзолари касалликларининг шаклланишига турли сабаблар иштирок этиши ҳақидаги замонавий қарашлар билан яхши мувофиқ келади. Бу сабаблар орасида муҳим ўринни **хелико-бактериоз, оғирлаштирилган ирсият, ноҳуш ижтимоий-гигиеник омиллар, олдинги ичак инфекциялари** эгаллайди[10].

Шу билан бирга, аниқланган озиқ-овқат аллергиясининг юқори тарқалиш даражаси (**57,5%**) овқат ҳазм қилиш аъзолари касалликлари ва озиқ-овқат аллергиясининг биргаликдаги патологияси тарқалиши (**88,6%**) билан таққосланади. Бу ҳолат, шубҳасиз, ошқозон-ичак касалликлари ва аллергиянинг ўзаро оғирлашиши билан боғлиқ. Озиқ-овқат аллергияси фонида овқат ҳазм қилиш аъзолари касалланишининг юқори кўрсаткичи аллақачон эрта ёшда аниқланган (ўғил болаларда 60,6%, қиз болаларда 43,6%).

Биргаликдаги патологиянинг тузилишида эса қуйидаги бузилишлар устунлик қилган: жигар йўллари функцияси бузилиши (39,1%), қаъин ичак бузилишлари (15,4%), ошқозон



TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI URGANCH FILIALI JANUBIY OROLBO‘YI TIBBIYOT JURNALI

1-TOM, 4-SON. 2025

14.00.00 - TIBBIYOT FANLARI ISSN: 3093-8740

бузилишлари (11,3%), шунингдек қаџин ичакда дисбиотик бузилишлар (17,1%). Ичак дисбиозининг энг юқори тезлиги иккинчи йилда қайд этилган — ўғил болаларда 42,8%, қиз болаларда 39,7% ҳолатда. Уч ёшдан кейин, овқат ҳазм қилиш аъзолари функционал бузилишларининг юқори тарқалиши сақланиб турган ҳолда, сурункали гастродуоденит аниқланишининг сезиларли ўсиши кузатилган: 3 ёшда — ўғил болаларда 8,3%, қиз болаларда 6,2%; 5–6 ёшда — мос равишда 43,8% ва 25%, шу билан бирга эркак болаларда қизларга нисбатан анча кўп кузатилган. Буни ҳисобга олганда, кичик ёшдаги болаларда жойлашган иммунитетнинг тўлиқ ривожланмаганлиги алоҳида аҳамиятга эга.

Хулоса: Эрта ёшли ва мактабгача ёшдаги болаларни эпидемиологик тадқиқот натижаси шуни кўрсатдики, озиқ-овқат аллергияси фонида овқат ҳазм қилиш аъзоларида сурункали касалликлар ва функционал бузилишлар юқори тарқалишга эга (87,6%). Касалланишнинг авжи, 2–3 ёшдаги болаларда, асосан функционал ва дисбиотик бузилишлар билан боғлиқ бўлган, 5–6 ёшдаги болаларда иккинчи авж эса кўпроқ гастродуоденал тизимдаги сурункали яллиғланиш жараёнлари билан изоҳланади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Клиническое значение липопротеидов высокой плотности у детей с патологией органов пищеварения // Русский медицинский журнал. - 2003. - Том 11, № 3 (175): Материалы X Юбилейного Конгресса детских гастроэнтерологов России. - С. 79-80 (соавторы: Варначева Л.Н., Коркоташвили Л.В., Дмитриева Г.В. и др.).
2. Значение продуктов питания при хронических заболеваниях органов пищеварения на фоне пищевой аллергии у детей // Родник здоровья: Материалы IV Всероссийской научно-практической конференции. - М., 2003. - С. 11-17 (соавторы: Плетнева Н.Б., Варначева Л.Н., Маянская И.В. и др.).
3. Гиперлипидемии у детей раннего и дошкольного возраста с хронической патологией органов пищеварения // Российский педиатрический журнал. - 2003. - № 3. - С. 41-43 (соавторы: Дмитриева Г.В., Шабунина Е.И., Варначева Л.Н. и др.).
4. Некоторые особенности показателей системного иммунитета с функциональной и хронической патологией органов пищеварения на фоне пищевой аллергии // Актуальные вопросы педиатрии, перинатологии и репродукции: Сборник научных работ / Под ред. д.м.н., проф. А.В.Прахова, д.м.н., проф. С.Б.Артифексова. - Н.Новгород: изд-во Гладкова О.В., 2004. - Вып. 2. - С. 65-67.
5. Распространенность гастроэнтерологической заболеваемости на фоне пищевой аллергии у детей раннего и дошкольного возраста // Актуальные вопросы педиатрии, перинатологии и репродукции: Сборник научных работ / Под ред. д.м.н., проф. А.В.Прахова, д.м.н., проф. С.Б.Артифексова.-Н. Новгород: изд-во О.В.Гладков, 2004.-Вып.2.-С.67-69 (соавтор: Прахов А.В.).
6. Бобомуратов, Т., Юсупова, У., & Худайбергенов, М. (2022). Ўзбекистон республикасининг экологик нуқулай муҳитда яшовчи ўтқир зотилжам билан оғриган болаларда гемостаз тизими кўрсаткичларининг мавсумий ўзгаришлари. Третье возрождение: проблемы и решения, (01), 39-48.
7. Бобомуратов, Т. А., & Юсупова, У. У. (2023). Взаимообусловленность Показателей Гемостаза И Тяжести Течения Пневмонии У Детей Из Южной Зоны Приаралья. Amaliy va tibbiyot fanlari ilmiy jurnali, 2(2), 28-34.
8. Bobomuratov, T. A., & Yusupova, U. U. (2023). Identification of clinical and laboratory changes in acute pneumonia in young children living in an unfavorable ecological environment (in Khorezm region). Journal of Intellectual Property and Human Rights, 2(1), 14-20.
9. Bobomuratov, T. A., Yusupova, U. U., Sharipova, O. A., & Bakhronov, S. S. (2020). the influence of ecological enviroment on the homeostatic system and the level of interleukins at acute brochitis in



TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI URGANCH FILIALI
JANUBIY OROLBO‘YI TIBBIYOT JURNALI

1-TOM, 4-SON. 2025

14.00.00 - TIBBIYOT FANLARI ISSN: 3093-8740

early age children. central asian journal of medicine, 2020(1), 84-91.

10. Волков А.И., Усанова Е.П. Динамика эпидемиологических показателей заболеваемости органов пищеварения у детей // Детская гастроэнтерология: настоящее и будущее: Материалы VII Конгресса педиатров России. М., 2002. - С. 54-55.

